



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Норин туман ҳокимининг,  
Васийлик кенгаши раиси**

**Ж.Нурматов**

**“ 30 ” “ август ” 2022 йил**

**Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Васийлик кенгаши  
аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилиши**

**Б А Ё Н И № 5**

2022 йил 30 август

**Норин тумани**

- Раислик қилувчи:** - Ж.Нурматов- Туман ҳокими, Васийлик кенгаши раиси
- Котиби:** - Б.Ҳақимова- Ёшлар ишлари агентлиги Норин тумани бўлими бошлиғи
- Қатнашдилар:** - Васийлик кенгаши аъзолари 10 нафар  
- (рўйхат асосида)

**КУН ТАРТИБИ:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7-июндаги 312-сонли қарорининг асосан Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шунингдек, «Беш муҳим ташаббус» доирасидаги тадбирларни ўтказиш бўйича ижросини таъминлаш мақсадида

(Ж.Нурматов, Б.Халилов, У.Абдуваллиев, И.Саримсақов, Б.Ҳақимова, Ж.Нурматов.)

Йиғилишни туман ҳокими, Васийлик кенгаши раиси Ж.Нурматов очди ва олиб борди. У ўз сўзида мамлакатимизда Мухтарам Президентимиз раҳбарлигида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги, ушбу ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш ҳамда таклиф ва муаммоларини эшитиш, бартараф этиш ва амалий ёрдам бериш мақсадида Васийлик кенгаши йиғилишлари доимий ўтказиб борилишига тўхталиб ўтди.

Шу билан бир қаторда у ўз сўзида, юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг қобилият ва интилишларини амалга ошириш, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорликка жалб этиш ва бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ва бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган “Ёшлар дафтари” ҳамда кам таъминланган, контракт тўловида қийналаётган, моддий ёрдамга, ижтимоий ҳимоя ҳамда тиббий ёрдамга муҳтож ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади.

Ж.Нурматов Жамғарма маблагларидан

- “Ёшлар дафтари”га киритилган моддий ахволи кийин ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилишини, ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисмини қоплашга йўналтирилишини;

- “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга БХМнинг 8 бараваригача миқдорда уруглик ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидия ажратилишини;

- “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларини кўпи билан бир йилда БХМнинг 25 бараваригача миқдорда қоплинишини;

- мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида таълим олаётган “Темир дафтар”га киритилган оилалар фарзандларининг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, аммо БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб берилишини,

- “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг ахволи оғир бўлган бемор фарзандларига мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда қопланишини;

- “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини-ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари харида қилиш учун БХМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилишини;

- психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қопланишини;

- ёшларнинг ёхтиёжлаари ва хоҳиш-истакларини ўрганиш натижалари бўйича уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, беш муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш ва унинг доирасидаги тадбирларни молиялаштирилишини;

- қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган бошқа харажатларни қоплашга йўналтирилиши тўғрисида алоҳида тўхталиб, ушбу йўналишдаги ёшларга белгиланган миқдорда маблағ ажратиб берилиши ҳақида таклиф киритди.

Шундан сўнг Ёшлар ишлари агентлиги Норин тумани бўлими бошлиғи Б.Ҳакимова сўз олди ва қуйидагиларни,

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда «Беш муҳим ташаббус» доирасидаги маҳаллаларда тадбирларни ташкил этиш бўйича байрам тадбир харажатлари учун жами **109,985** минг сўм миқдорида “Ёшлар жамғармаси” маблаглари ҳисобидан ажратилиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари томонидан таклиф қилинган масалалар ҳамда билдирилган барча муаммо ва таклифлар атрофлича муҳокама қилиниб Васийлик кенгаши аъзолари томонидан тасдиқланди.



Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва муаммоларни инобатга олиб,

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан туман ҳокими, васийлик кенгаши раиси Ж.Нурматовнинг маърузаси раҳбарлик ва амалда ижросини таъминлаш учун қабул қилинсин.

2. Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари **Б.Ҳакимова** томонидан ёшлар муаммоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича берган таклифи қўллаб-қувватлансин ҳамда “Ёшлар жамғармаси” маблағлари ҳисобидан иловага мувофиқ **109,985** миңг сўм маблағ ажратилсин.

3. “Ёшлар жамғармаси”дан ажратиладиган **109,985** миңг сўм маблағларни мақсадли сарфлаш учун ёшлар ишлари агентлиги раҳбари берилган рўйхатга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Норин туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси **З.Бойигитов**, ажратилган маблағларга иловадаги товар моддий бойликларни “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонунда белгиланган тартибда харид қилиниши назоратга олсин ҳамда сотиб олинган товар моддий бойликларни Ёшлар ишлари агентлиги Норин туман бўлимига далолатномалар ва тасдиқланган рўйхатлар асосида берилсин.

5. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати (**Н.Ҳасанов**), амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқларида кенг ёритиб борилишини таъминлансин.

6. Туман молия бўлими (**Ғ.Примқулов**), ажратилган маблағларни мақсадли сафланишини доимий назорат қилиб бориши алоҳида белгилаб қўйилсин.

7. Мазкур йиғилиш қарорида белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби :



**Б.Ҳакимова**